

## Ота-онанинг рағбатини рўёбга чиқариш



13:36 / 10.02.2025 1632

تَفْضِيلًا لِلرَّحْمَةِ مِنَ الذُّلِّ جَنَاحَ لِهُمَا وَأَخْفَضَ ﴿١١﴾: سَلَّاتِ هَلْ لَ لَوَقِ ي فِءِ هِ بَأْ نَع ، وَوَرَعُ نُبِّ مِ اشْ هَ نَع  
هُادَارُ اءِ شْ ن م ع ن ت م ت آل : ل آق

Ҳишом ибн Урва отасидан ривоят қилади:

**«Аллоҳ таолонинг «Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат», деган қавли ҳақида: «Иккови ирода қилган бирор нарсадан бош тортма», деди».**

**Шарҳ:** Яъни ота-онанг сендан хоҳлаган ҳеч бир нарсадан бош тортмагин. Нимани хоҳласалар, «Хўп», деб қилиб бергин. Фақат бу ерда олдинги қоида, яъни Аллоҳга маъсият иш бўлмаслиги шарт қилинади.

Аллоҳ таолонинг Исро сурасидаги «**Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат**» (24-оят) деган қавлидан мана шу маъно келиб чиқар экан.

Фарзанд ота-онанинг ҳузурида ўзини қанчалик хокисор тутса, шунчалик яхши. У ўз раҳматини хокисорлик ила ота-онасига пастлатиб, пояндоз қилса ҳам оз. Шу билан бирга, доимо уларга Аллоҳ таолодан раҳм-шафқат тилаб дуо қилиб туриши лозим.

Ота-онани ҳурматлаш, эъзозлаш масаласида ҳеч бир тузум ёки тарбия воситаси Исломга тенг ҳам, яқин ҳам кела олмайди. Ота-онанинг ҳурмати, фарзанд устидаги ҳаққи тўғрисидаги оятлар, ҳадислар, исломий ҳикматлар, мусулмонлар ҳаётидаги тажрибалар дунё тарихида бу борада мисли кўрилмаган олиймақом нарсалар эканлиги маълум ва машҳурдир.

نَقْضِيلاً الرَّحْمَةِ مِنَ الذَّلِيلِ جَنَاحَ لَهَا وَأَخْفِضْ ﴿١١﴾ هُوَ لَوْ وَقَّامَ يَرْدَتْ لَهَ: يَبْأَي لَلْأَقْلَاقِ: لَاقَ وَرَعْنَبِ مَاشِهَ نَع  
هُ أَدَارُ أَيْ شَنْ مَعَنْ مَتَّالْ نَأْ؟

Ҳишом ибн Урвадан ривоят қилинади:

**«Отам менга: «У Зот таолонинг «Икковларига меҳрибонлик ила хокисорлик қанотингни пастлат» деган қавли нима эканини биласанми? «Икковлари ирода қилган бирор нарсадан бош тортма», деди».**

**Шарҳ:** Бу ривоят ҳам ўзидан олдинги ривоятга жуда ўхшаш бўлишига қарамай, биз ундан аввалгисида йўқ маънони чиқариб оламиз. Бу ривоятда насиҳатни ота ўз боласига қилмоқда. Ҳа, оталар болаларини тарбия қилишда Қуръони Карим оятларини англатишлари, ота-онани ҳурматлаш ҳақида ўғитлар беришлари олдин ўтган азизларимизнинг тутган йўллари бўлган. Биз бу борада ҳам улардан ўрнак олишимиз лозим.

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.